

Эй Жаброил, Муҳаммаднинг олдига бориб сўра-чи...

09:20 / 29.05.2018 3561

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ азза ва жалланинг сўзидаги Иброҳим алайҳиссалом дуоларини тиловат қилдилар: **«Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар. Бас, ким менга эргашса, ана ўша мендандир** (яъни, менинг динимдадир)». Ва яна Аллоҳнинг Китобидаги Исо алайҳиссалом сўзларини ҳам тиловат қилдилар: **«Агар уларни азобласанг, улар Сенинг ожиз бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат эгасидирсан»**. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини кўтариб: **«Умматим, умматим»**, деб йиғладилар. Аллоҳ азза ва жалла: **«Эй Жаброил, Муҳаммаднинг олдига бориб сўра-чи, нима уни йиғлатмоқда?»** деди. Ваҳоланки, Аллоҳ Ўзи билиб туриб сўрашни буюрмоқда! Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга билиб туриб айтган нарсанинг хабарини бердилар. Шунда Аллоҳ таоло: **«Эй Жаброил, Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳузурига бориб, «Биз умматинг хусусида рози қилиб, сени хафа қилмаймиз»**, деб айтинг», деди.

Имом Муслим ривоятлари.